

Ўзбекистон делегацияси Қоҳира шаҳрига ташриф буюрди



15:40 / 02.07.2019 2309

Айни пайтда Миср томонининг таклифига кўра, Ўзбекистон ва Мисрдаги диний соҳага оид марказлар ўртасида 2019-2023 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси»да кўзда тутилган келишувларни муҳокама қилиш ҳамда ўзаро мувофиқлаштириб олиш мақсадида Ўзбекистон делегацияси Қоҳира шаҳрида бўлиб турибди. Бу ҳақда muslim.uz сайти хабар беради.

Делегация вакилларининг илк учрашуви бир минг икки юз йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият кўрсатиб келаётган «Ал-Азҳар» мажмуаси раҳбарининг биринчи ўринбосари шайх Аббос Солиҳ ҳамда «Ал-Азҳар» мажмуаси раҳбари маслаҳатчиси Абдурахмон Мусо билан бўлиб ўтди.

Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов ва «Ал-Азҳар» мажмуаси раҳбарининг биринчи ўринбосари шайх Аббос Солиҳ ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида мулоқот ўтказишди.

Учрашувда 2019 йилнинг иккинчи ярмида белгиланган ўзаро ҳамкорликдаги учрашув ва халқаро конференциялар, илмий йўналишда чоп этилиши режалаштирилган китоб ва рисоалар, таълим соҳасида белгиланган келишувлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон делегациясининг Миср Араб Республикасига сафари давом этмоқда.

***Islom.uz* портали таҳририяти**